

Риёзус солиҳийн шарҳи / Риёзус солиҳийн шарҳи / 614-ҳадис

614 - وَعَنْ عِيَاضِ بْنِ حِمَارٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِنَّ اللَّهَ أَوْحَى إِلَيَّ أَنْ تَوَاضَعُوا حَتَّى لَا يَفْخَرَ أَحَدٌ عَلَى أَحَدٍ، وَلَا يَبْغِيَ أَحَدٌ عَلَى أَحَدٍ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ .[2865/64]

614. Иёз ибн Ҳимор розияллоху анхудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам:

«Аллоҳ менга ваҳий қилиб, «Тавозели бўлинглар, ҳеч ким ҳеч кимга кеккаймасин, ҳеч ким ҳеч кимга зулм қилмасин», деб айтдилар.

Имом Муслим ривояти.

Шарҳ: Халқ орасида тавозулик одамга камтар инсон экан, деб баҳо беришади.

Тавозуъ сўзи аслида пастлашдан олинган. Ўзини паст олиш, ўзини бошқалардан юқори тутмаслик – тавозуъ бўлади экан. Банданинг Аллоҳ таолога нисбатан тавозуъ қилиши унинг у Зотдан қўрқиши, бўйсунуши ила бўлади. Бандалар орасидаги тавозуъ эса, бир-бирининг ҳақ гапини сўзсиз қабул қилиш, таклифларига кўниш билан бўлади. Демак, тавозуъ халқ орасида камтарлик, деб аталади ва у гўзал инсоний фазилатлардан бири бўлиб, динимиз таълимоти ҳам биз мўмин-муслмонларни шу сифатга эга бўлишга чақиради.

Камтарлик ва ҳокисорлик сифатига эга бўлган киши нафақат эл-юрт олдида балки, Аллоҳнинг даргоҳида ҳам мақтовга лойиқдир. Бундай инсонлар ҳар қачон ўз ҳурматларини сақлай билиш билан бир қаторда, ўзгаларнинг қадру қийматларини ҳам ўз ўрнига қўядилар. Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам марҳамат қилиб: **“Ким Аллоҳ учун камтарлик қилса, Аллоҳ унинг мартабасини баланд қилиб қўяди”**, — деганлар. (Имом Муслим ривояти)

Камтарликнинг зидди манманлик бўлиб, унга ёмон иллат сифатида қаралиб,

Ислом дини нуқтаи назаридан инсонни кибру ҳавога берилиши таъқиқланган. Аллоҳ таоло бандаларини огоҳлантириб: **“Ер юзида кибру ҳаво ила юрма! Албатта, сен зинҳор ерни тешиб юбора олмайсан ва зинҳор бўйда тоғларга ета олмайсан!”** – деган. (Исро сураси, 37-оят).

Демак, банда ўз ҳаддини билмоғи лозим. Акс ҳолда у ўз бошига Аллоҳ таолонинг ғазаби ва азоби келишига сабабчи бўлади. Бу ҳақда ҳадиси қудсийда шундай дейилган: **“Кибриё ридоимдир, азимлик изоримдир. Ким уларнинг иккисидан бирида Мен ила низо қилса, уни дўзахга ташлайман”**. Кибру ҳаво ҳақида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар: **“ Қалбида бир дона ачитқи уруғи оғирлигида иймони бор одам дўзахга кирмайди. Қалбида бир дона ачитқи уруғи оғирлигида кибри бор одам жаннатга кирмайди”**. Манманлик қилиб, ўзгаларга беписанд муомалада бўлиш, мол-дунё, обрў-эътиборга алданиб кибрланиш оқибатида киши дўстлари, қариндошлари ва эл-юрти олдида ҳурматини йўқотади.

Камтарлик хислатига эга бўлган кишининг даражаси юқори, ҳурмати баланд, кадр-қиммати олий, Аллоҳ ҳузурида ва одамлар орасида иззати ва даражаси етук ва мукамал бўлади. Тавозуълик хислатига эга киши ҳар бир инсонни ўзидан устун деб билиши, у инсоннинг даражасини Аллоҳ ҳузурида ўзиникидан устун бўлиши мумкин деб ҳисоблаши лозим. Агар унга ёш бола йўлиқса: “Аллоҳ йўлида гуноҳ иш қилмаган, Парвардигорга осий бўлмаган, мен эса Аллоҳга исён қилдим, шубҳасиз, у мендан аълороқ” деб билиши, агар ёши улуғ бир кекса учраса, “Мендан аввал кўпроқ ибодат қилган, албатта у мендан афзалроқ” дейиши, фосиқ одам учраса, “У нодонлиги туфайли Аллоҳга қарши чиқиб гуноҳ қиляпти, унинг ўлими ва оқибати қандай бўлади-ю, меники қандай бўлади?” деб билишлиги, кофирга йўлиқса, “Балки бир кун мусулмон бўлар, хайрли ишлар қилар. Мен бўлсам ёмонлик, куфр билан кетишим мумкин” деб ҳушёр тортиши керак.

Киши доимо хавф ва ражода ҳаёт кечирishi керак.

Камтарлик инсон учун зийнат бўлган хислатлардан биридир. Камтарлик бу - гуноҳларнинг боши бўлган, оқибати хатарли ва аянчли бўлган, Аллоҳ таолонинг ғазабини келтирадиган сифат ҳисобланган кибр ва манманликнинг аксидир. Аллоҳ таоло Ўзининг суюкли бандаларини васф қилиб: «Роҳманнинг бандалари ер юзида тавозуъ ила юрадиган ва жоҳиллар хитоб қилганида «салом» дейдиганлардир», (Фурқон сураси, 63-оят) дея марҳамат қилган.

Бошқа бир оятда эса Муҳаммад алайҳиссаломга хитоб қилиб: «Ўзингизга эргашган мўмин кишилар учун қанотингизни паст тутинг. (Яъни, уларга хуш хулқ билан камтарона муносабатда бўлинг)» (Шуаро сураси, 215-оят) деган.

Ушбу оятга эътибор қилсак, Аллоҳ таоло тавозеъ ва камтарликни қанотга ўхшатмоқда. Бу ҳам бежиз эмас албатта. Қушларнинг парвоз этиши ва баланд марраларни забт этиши учун энг зарур восита уларнинг қаноти бўлса, инсон учун бу қанот тавозеъ ва камтарликдир.

Аллоҳ таоло барчаларимизни кибру ҳаводан йироқ қилиб, камтарлик фазилати билан зийнатланганлардан бўлишга муваффақ айласин.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI